

“NEO INSURANCE CORP” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!!!

Тошкент ш., Яккасарой тумани, Ҳамид Сулаймон МФЙ, Миробод кўчаси, 9-А-уй манзили бўйича жойлашган (электрон почта манзили: info@neoinsurance.uz, веб-сайт: www.neoinsurance.uz) “NEO INSURANCE CORP” Акциядорлик Жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) 2024 йил 28 июнь соат 11:00да Тошкент ш., Яккасарой тумани, Ҳамид Сулаймон МФЙ, Миробод кўчаси, 9-А-уй манзилида акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш йиғилиш бўлиб ўтадиган манзилда 2024 йил 28 июнь куни соат 10:30 да бошланади.

Йиғилишда иштирок этиш учун акциядор ва унинг вакили шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID-карта), шунингдек акциядорнинг вакили ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномага эга бўлиши лозим.

Акциядорлар реестри куйидаги саналарга шакллантирилади:

а) акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш учун 2024 йил 03 июнь ҳолатига;

б) акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш учун 2024 йил 24 июнь ҳолатига.

Йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар:

1. “NEO INSURANCE CORP” АЖ санок комиссияси аъзолари таркибини ва ваколат муддатини тасдиқлаш тўғрисида.

2. “NEO INSURANCE CORP” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.

3. “NEO INSURANCE CORP” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.

4. “NEO INSURANCE CORP” АЖнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида Бош директор ҳисоботини эшитиш.

5. “NEO INSURANCE CORP” АЖнинг 2023 йил ва 2024 йил яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текшируви, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларга мувофиқ мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудит ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида Кузатув кенгаши қарорини маъқуллаш.

6. “NEO INSURANCE CORP” АЖнинг 2023 йил яқуни бўйича бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига асосан тузилган молиявий ҳисоботи мажбурий аудит текшируви натижалари бўйича мустақил аудиторнинг хулосасини кўриб чиқиш.

7. “NEO INSURANCE CORP” АЖнинг 2023 йил яқуни бўйича халқаро молиявий ҳисобот стандартларига асосан тузилган молиявий ҳисоботлари мажбурий аудит текшируви натижалари бўйича мустақил аудиторнинг ҳисобот-хулосасини кўриб чиқиш.

8. “NEO INSURANCE CORP” АЖнинг 2023 йил яқуни бўйича йиллик молиявий ҳисоботини тасдиқлаш.

9. “NEO INSURANCE CORP” АЖ ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

10. “NEO INSURANCE CORP” АЖнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини тасдиқлаш тўғрисида.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш
акциядорлар ёки уларнинг вакиллари шахсан иштирок этиш йўли билан амалга
оширилиши белгиланган.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёрланган
материаллар билан Жамиятнинг Тошкент ш., Яккасарой тумани, Ҳамид Сулаймон
МФЙ, Миробод кўчаси, 9-А-уй манзилида жойлашган маъмурий биносида танишиш
мумкин.

Маълумот учун телефон: (71) 202-55-66.

“NEO INSURANCE CORP” АЖ Кузатув кенгаши.

05.06.2024 йил